
Аҳоли фаровонлигини ошириш-бунёдкорлик ишларимизнинг бош мақсадидир

Бугун Риштон тумани том маънода қурилишлар майдонига айланган. Янги-янги иншоотлар, тибиёт ва таълим муассасалари, равон йўллар, маҳалла гузарлари, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ана шу мақсадда туман ҳокими С. Солиев тумандаги амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Туман ҳокими дастлаб, тумандаги "Марказ" маҳалла фуқаролар йиғини худудида қурилаётган кўп қаватли уйларни бориб кўрди. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, бундай иншоотларни қулайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан пухта сифатли ва замонавий қилиб қуриш зарурлигини таъкидлади. Ушбу майдон ва кўчаларда янада қулайлик яратиш бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, туман ҳокими “Ёйилма” МФЙда бўлиб, у ерда “Обод қишлоқ” дастури бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам кўздан кечирди.

2021-11-03 07:13:53